



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

20 22 yil « 12 » dekabr

№ 701-F

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 6 июлдаги ПҚ–307-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда магистрал электр тармоқларини эксплуатация қилиш жараёнида тажриба тариқасида учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш мақсадида:

1. Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларида масофадан туриб ўрганишларни олиб бориш учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга ўз маблағлари ҳисобидан мультиротор турдаги икки жамланма учувчисиз учиш аппаратларини сотиб олишга рухсат берилсин.

2. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш ва уларни сақлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарори талабларига қатъий амал қилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ учувчисиз учиш аппаратларидан:

мураккаб рельефли (тоғ, тоғолди, сув ўзанлари билан кесишган ўтиш йўллари) худудларда жойлашган электр узатиш тармоқларини кўздан кечириш ва нуқсонларини аниқлаш;

электр узатиш тармоқларидаги контакт бирикмаларини инфрақизил нурли назоратдан ўтказиш;

кучланиш остидаги электр узатиш тармоқларининг юқори қисмлари, изолятор ва уловчи арматураларини кўриқдан ўтказиш;

электр узатиш тармоқларининг симигача рухсат этилган масофаларни (габарит) назорат қилиш;

подстанция очик таксимловчи қурилмаси порталларидаги изоляторлар ва бирикмаларни кучланиш остида ҳамда инфрақизил нурли кўриқдан ўтказиш ва нуқсонларини аниқлаш вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

4. Радиочастоталар бўйича республика кенгаши ишчи органи – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг мурожаатига мувофиқ белгиланган тартибда радиоэлектрон воситалар билан жиҳозланган учувчисиз учиш аппаратларини олиб кириш, улардан фойдаланиш учун тегишли рухсатномаларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатсин.

5. Мудофаа вазирлиги “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда суратга олинган фото ва видео материалларни белгиланган тартибда назорат кўригидан ўтказиб борсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика ва кимё соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов